# ЮТУҚЛАР ОМИЛИ

(Давоми. Боши 1-бетда).

Аммо, умуман олганда хизматнинг бошланиши осон кечмаганини ёш офицер яшириб ўтирмади. Чунки, унинг қўл остидаги аскарларнинг тенг ярми захирага бўшатилиши лозим эди. Атиги бир ойдан сўнг лейтенант уларни уйларига кузатиб қўйди.

Лекин, бу қийинчиликни Зоҳиджон шараф билан енга олди. Бўлинма қишки ўқув мавсуми синовларини кўнгилдагидек топширди ва «дембел»ларни кузатиш пайти келганда гуруҳ сардори улар билан ака-укадек самимий хайрлашди.

— Бу вазиятда менга батальон командирининг тарбиявий ишлар бўйича ўринбосари капитан Нуриддин Авлаев кўп ёрдам берди,— деб эслайди катта лейтенант З. Дадабоев.— Ҳужжатларни тўғри тайёрлашда штабимиз бошлиғи майор Музаффар Акбаровдан анча сабоқ олдим. Жанговар ўқишни ташкиллаштириш борасида, алоқа техникаси сир-асрорларини аскарларга етказишдек мураккаб ишда батальонимиз командири майор Наримон Бобоевнинг маслаҳатлари кўп жойларда иш берди. Хуллас, биринчи ютуқларни ҳамкорликдаги ҳаракатлар меваси, деб биламан.

— Интилганга толе ёр, деган халқ ҳикматини эсдан чиқармаганимиз маъқул,— деб қўшилди суҳбатга қисм командирининг тарбиявий ишлар бўйича ўринбосари майор Толиб Омонов.— Чунки ёш офицернинг ўзида қобилият юқори бўлса, натижага ҳам тезроқ эришиши табиий.

Ёш офицернинг синов машғулотларида қўлга киритган натижаларига баҳони Мудофаа вазирининг тарбиявий ишлар бўйича ўринбосари полковник Маннобжон Аҳмедов берган эди. Лейтенант З. Дадабоевнинг алоқачилар гуруҳи ижтимоий-сиёсий тайёргарлик бўйича юқори баҳоланди. Зоҳиджоннинг командирлик қобилиятларига ҳам текширув комиссияси аъзолари ижобий баҳо берганлиги сабаб взвод командири лавозимига тайинланди.

Юқори қўмондонликнинг ишончини катта лейтенант З. Дадабоев шараф билан оқлашга эришди, унинг қўл остидаги взвод жамоаси ёзги ўқув давомида ҳам илғорлар қаторида. Умумжамоа ютуқларига айниқса тажрибали шартнома асосидаги ҳарбий хизматчилар — гуруҳ командири кичик сержант Ҳусниддин Муҳитдинов, аппаратлар бошлиғи кичик сержант Эркин Нуриёевлар, муддатли хизматдаги оддий аскарлар —ҳайдовчи Насим Хўжамбердиев, телефончи Ўктам Аъзамқулов, линия назоратчиси Шерзод Облоёровлар қўшаётган ҳиссалари салмоқли бўлмоқда. Баҳорда келган ёш аскарлардан Фарғона вилоятидан келган механик оддий аскар Сайфулло Собировдан командирнинг умиди катта. Йигит алоқачилар техникасини ўрганишда яхши натижаларга эришмоқда.

«Бўлажак офицерларга тилакларингиз қандай?»— деган саволга жавоб беришдан олдин суҳбатдошимиз ўзининг билим юртидаги устозлари — факультет бошлиғи полковник Ботир Раҳиммирзаевга, курсантлар ротаси командири капитан Жалолиддин Ориповларга ўз миннатдорчилигини билдирди ва «Бўлғуси офицерлар талабчан, аммо адолатли сардор бўлишларини, ўз устида тинмай ишлашларини, тажрибали хизматдошларидан пухта ўрганишларини тилаб қолардим»,— деди Зоҳиджон.

Тўғри, офицерлик ҳаётидаги биринчи йилида катта лейтенант З. Дадабоевнинг қўлга киритган ютуқлари бир қарашда кичкинадек туюлиши мумкин. Лекин, уларнинг келажакдаги катта ғалабаларга мустаҳкам пойдевор яратаётгани қувонарли.

**Майор А. АЙНАТДИНОВ.**

## ЮРАКДА СУРУР БОР

Ҳар тонг «Подъём!» командасидан сўнг, бадантарбия машғулотларини ўтказиб, муздек сувда ювинганимда юракда бир сурур сезаман ва хизматга келганимга шукроналар айтаман. Чунки, бу давргача бўлган нуқсонларимни шу ерда бартараф этаяпман. Биздан қаттиқ тартиб-интизомни, берилган вазифани ўз вақтида бажаришни талаб қилишади.

Айниқса, тактик, ижтимоий-сиёсий, жисмоний ва жанговар тайёргарликлар бизнинг энг севимли машғулотларимиздир. Офицер ва сержантларимизнинг кўрсатмалари, хатоларимизни бартараф этишдаги ёрдамлари ҳақида гапирмасам бўлмас.

Қисмда яратилган шароитлар яхши. Дам олиш кунлари қисмимиз ҳаваскорларидан ташкил топган даста ижросида куй-қўшиқлар эшитамиз. Кундалик газета, журналлар билан кутубхонамизда танишиб борамиз.

**Оддий аскар А. СУВОНОВ.**

● ДОЛЗАРБ МАВЗУ

# Аскар чанқамасин десак...

**Чилланинг жазирама иссиғида шахсий таркибни ичимлик суви билан таъминлаш қисм раҳбариятининг асосий эътиборга лойиқ масаласи, десак муболаға қилмаймиз. Қарши гарнизонида хизмат сафарида бўлганимизда бу борада олиб борилаётган ишлар билан танишдик.**

— Мудофаа вазирининг буйруғига биноан аскарларга ажратиладиган чой миқдорини кўпайтирдик,— дейди қисм командирининг тарбиявий ишлар бўйича ўринбосари майор Толибжон Омонов.— Ҳар куни ошхона ходимлари етарли даражада чой дамлаб, аскарларга тақсимлаб беради.

Бу муҳим ишни бевосита аскарлар ошхонаси бошлиғи шартнома бўйича хизмат кичик сержанти Дилмурод Эрмўминов ташкил қиларкан. Қайнатилган чойнинг сифатини ва истеъмолга тайёрлигини текшириш қисм тиббиёт хизмати бошлиғи тайинлаган ходим зиммасига юклатилган.

Биз ошхона олдига келганимизда эрталабки нонуштадан кейин фляжкаларини чойга тўлдираётган аскарларни кўрдик. Навбат кутганлар кўп эмасди. Чунки, чой қуйиб оладиган жойлар етарли эди. Ундан ташқари, аскарларнинг бу ердан хоҳлаган пайтларида чой олиб кетиш имкони борлигини билганликлари ҳам уларнинг тўпланиб қолмасликларининг яна бир сабабидир.

— Батальон фельдшери сержант Фарҳод Бобоёров,— деб таништирди ўзини тиббиёт хизмати вакили.

Унинг айтишича, қайнатилган чой текширувдан ўтказилиб, рухсат берилган. Фурсатдан фойдаланиб, биз ҳам чой мазасини татиб кўришга қарор қилдик. Ичишдан аввал ўзимизга ўзимиз савол бердик: «Шунақа иссиқда иссиқ чой кетадими?» Лекин, меъёрида дамланган чойнинг бир-икки қултумидан кейин терлаганимиз ва чанқоғимиз босилганини сезиб, анча енгил тортдик.

Мудофаа вазирининг буйруғи ҳамма қисм ва бўлинмаларда бор. Унинг аниқ бажарилишини таъминлаш ва назорат қилиш — қўмондонликнинг муҳим вазифаси. Негаки, кун бўйи ёнида қайнатилган ичимлиги бор аскарнинг ўзини ҳар хил юқумли касалликлардан асраш имконияти кўпаяди. Бу эса бўлинманинг жанговар шайлигини оширади.

**Майор А. КАМОЛОВ,**
**«Ватанпарвар» мухбири.**

# Унинг камари—ғайрат

— Исмим — Тимофей, — дея ўзини таништирди оддий аскар Нуриддинов. — Ўзбекчани ҳам, русчани ҳам яхши биламан. Аскарлик ҳаётимнинг ўн беш ойи ортда қолди. Соддагина қилиб айтадиган бўлсам, кўпи кетиб ози қолди.

Оддий аскар Т. Нуриддинов подполковник Мавлон Юнусов командирлик қилаётган алоқачилар қисмида хизмат қилиб келяпти. Жанговар шайлиги талаб даражасида. Барча тайёргарликлардан кўрсаткичлари кўнгилдагидек.

— Мактабда ўқиб юрган чоғларимда ҳам ўртача баҳо олмаганман, — дейди у. — Уч рақами яхши, аммо баҳо сифатида менга ёқмайди. Бундай баҳо олишлик на у ёқликсан, на бу ёқликсан, дегани. Шунинг учун ҳам хизматимнинг дастлабки кунларидан барча машғулотларда фаол иштирок этиб келяпман. Имтиҳонлардан «тўрт»им бор, «беш»им бор, лекин «уч»им йўқ.

Маълумки, айни кунларда Қуролли Кучларимиз барча қисм ва бўлинмаларида ёзги ўқув мавсуми машғулотлари қизғин давом этмоқда. Оддий аскар Тимофей Нуриддинов хизмат қилаётган қисм ҳам бундан мустасно эмас. Тимофей барча сафдошлари қатори ғайрат камарини маҳкам боғлаган.

— Ўзим учун охирги ҳисобланган ўқув йилида фақат юқори кўрсаткичларга эришишни мақсад қилиб қўйганман. Ҳозир бутун диққат-эътиборим ана шунга қаратилган, — бу Тимофейнинг дил сўзлари.

Ўзи айтгандай, оддий аскар Т. Нуриддинов ўқув йилини аъло якунлайди, деган фикрдамиз.

**Майор А. БАЙРАМОВ.**

● ПРОФЕССИОНАЛЫ

# ПЕРВОСТЕПЕННАЯ ВАЖНОСТЬ



Эксплуатация боевых машин в летнем периоде нет-нет да и сказывается на их техническом состоянии. Высокие температуры, чрезмерная запыленность приводят иногда к вынужденным остановкам. Те, кто управляют ими, делают все возможное, чтобы избежать досадных случайностей, и все же исключить их полностью удается не всегда. Но недолго остаются «на приколе» технические средства. Умелые руки специалистов в кратчайшие сроки устранят неисправность, даже если порой она и довольно серьезная.

Вышедшей из строя БМД ремонтники «диагноз» поставили точный: забарахлило сердце машины—двигатель. По большому счету ее бы отправить на ремонтное предприятие, да уж больно много хлопот с транспортировкой, к тому же боевая учеба в разгаре, и каждая единица техники, что называется, на вес золота. И тогда заместитель командира части по вооружению майор Улугбек Тешабаев принял решение провести ремонт собственными силами. Кому доверить выполнение этой сложной задачи — такой вопрос перед офицером не стоял. За дело принялись уже не раз проверенные экстремальными ситуациями военнослужащие по контракту механики-водители сержанты Дильмурод Раззаков, Хусан Ташпулатов и Фарход Хайдаров **(на снимке)**.

Демонтаж двигателя даже в стационарных условиях — занятие не из легких, но воинов это не страшило. Опыт, умение в сочетании со смекалкой позволили им безупречно выполнить данную операцию. А затем уж, как говорится, дело техники. Тщательной проверке подвергаются каждый узел, каждая деталь, и в конечном итоге механики-водители докапываются до истины. Машина возвращается в строй, а специалисты записывают в свой арсенал еще одну победу.

И таких побед на их счету уже немало, но это сейчас, а было время, когда и они начинали с азов. Но неуемное стремление к совершенству, желание пополнить свой багаж новыми знаниями снискали им славу опытных мастеров, для которых сегодня практически не существует невыполнимых задач. Гордятся воины избранной профессией, но еще больше тем, что своими делами вносят посильный вклад в поддержание боеготовности части, а значит — в обороноспособность страны, и это для них важней всего.

**Подполковник Я. КОРУКА.**
Фото **автора.**

# Благодаря взаимопомощи

С отличными показателями в боевой и общественно-политической, физической, технической и тактической подготовках встречают одиннадцатую годовщину независимости нашей страны воины зенитно-артиллерийского подразделения, где служит рядовой Музаффар Баховиддинов.

Благодаря соперничеству между секциями и отдельными воинами, которое здесь стало неотъемлемой частью жизни солдат, зенитчики в летнем периоде обучения добились многого. Чтобы тот или иной воин знал, чего он достиг в боевой учебе, знал, какие имеются еще недостатки, над чем еще работать, здесь ежедневно, еженедельно и ежемесячно подводятся итоги. Также в данном подразделении между воинами хорошо поставлены взаимопомощь и взаимовыручка. Так, рядовой Баховиддинов лучший в физподготовке, а номер расчета рядовой Жасур Муйдинов отлично знает технику. Они охотно делятся с сослуживцами своими знаниями и опытом.

**Майор З. ХАЙРИДИНОВ.**

